



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТ
ПРОКУРАТУРАСИ

Бухоро шаҳар “Элобод”
кўчаси 17-уйда яшовчи
фуқаро **Х.Ражабовага**

200100 Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 4-уй
2016 йил «6» октябрь

№ 12/ **47** -16 - **490**

Ўғлингиз И.Ибодовнинг ўлимига сабабчи бўлган шахсларга «Элобод»-чора кўришни ҳамда ўғлингиз Р.Ибодовга нисбатан чиқарган суд ҳукмидан норози бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири виртуал қабулхонасига йўллаган аризангиз вилоят прокуратураси томонидан яна бир бор ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, жиноят ишлари буйича Бухоро туман судининг 2015 йил 24 декабрь кундаги ҳукми кўра, Р.Джумаев ЖКнинг 110-моддаси 2-қисмининг «в» банди билан айбдор деб топилиб, ЖКнинг 60-моддасига асосан узил-кесил 18 (ўн саккиз) йил муддатга ҳамда У.Инагамов ЖКнинг 110-моддаси 2-қисмининг «в» банди билан айбдор деб топилиб, ЖКнинг 60-моддасига асосан узил-кесил 7 (етти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суд ҳукмига кўра, У.Инагамов ва Р.Джумаевлар ўта хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, 2015 йил 28 август кунидан 10 сентябрь кунига қадар Бухоро вилоят ИИБ ВСХда бўлган вақтида, бир гуруҳ бўлиб ўзлари билан бир камерада маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун сақланиб келинган ўғлингиз И.Р.Ибодовни уриб, тан жароҳатлари етказганлар.

Судланувчи Р.Джумаев ва У.Инагамовларнинг айби, ўзларга нисбатан қуйилган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, ашёвий далилларни олиш тўғрисидаги баённомалар, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги баённома, фотосуратлар, экспертиза хулосалари ва унга илова қилинган фотосуратлар ҳамда жиноят иши юзасидан тўпланган ва суд мажлисида муҳокама қилинган бошқа тўпланган далиллар билан ўз тасдиғини топган.

Бундан ташқари, Р.Ибадов жиноят ишлари буйича Бухоро шаҳар судининг 2016 йил 15 февраль кундаги ҳукми билан, ЖК 177-моддасининг 3-қисми “а,б” бандлари, 184-модда 3-қисми, 189-моддаси ва 243-моддасида кўрсатилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилиб, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 8 йил муддатда озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган.

Суд ҳукмига кўра, Рахим Ибадов бир гуруҳ шахслар билан хуфёна иқтисодий фаолият билан шуғулланиб, жиноий йўллар билан даромад топиш

ва жиноий фаолиятдан олинган ушбу даромадларни легаллаштириш, товарлар савдоси билан ноқонуний равишда шуғулланиб, савдо тушумини яшириб, келганликда айбдор деб топилган.

Мазкур иш, 2016 йилнинг 24 март куни жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция судлов ҳайъатида кўриб чиқилиб, ЖИБ Бухоро шаҳар судининг ҳукми ўзгаришсиз, шикоят эса қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

Аризани ўрганиш давомида, юқорида қайд қилинган суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун протест келтиришга асослар топилмади.

Муқаддам вилоят прокуратурасида қайд қилинган мазмундаги аризаларингиз ўрганилиб, натижаларига кўра, ЖИБ Бухоро туман суди ва ЖИБ Бухоро шаҳар судида кўрилган жиноят ишлари юзасидан Сизга бундан неча мартаба тўлақонли жавоблар йўлланганлигини маълум қилганми.

Ушбу жавобдан норози бўлган ҳақиқатда юқори суддан протест келтириш шикоят қилиш ҳуқуқингиз борлигини тўғри кўраман.

**Вилоят прокурорининг
ўринбосари**

 **К.О.Хасанов**